

1 – масала

“Якуний Давлат Аттестациялари ва диплом лойиҳалари ҳимоялари натижаси юзасидан ДАКларнинг ҳисоботлари ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2013 йил 8 август 11/1-сонли ҚАРОРИ.

Илмий кенгаш кун тартибидаги “Якуний Давлат Аттестациялари ва Диплом лойиҳалари ҳимоялари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув бўлими бошлиғи Ш.А.Бўрибоевнинг ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

2012-2013 ўқув йилида институтни битираётган талабалар якуний Давлат аттестацияларини ўтказиш, ҳамда Диплом лойиҳасини ҳимоя қилиш мақсадида институт ректорининг 2013 йил 25 январдаги Х-16 сонли ҳамда 2013 йил 29 мартдаги Х 53-сонли бўйруғи асосида Давлат Аттестация комиссияси (ДАК) таркиби тасдиқланди. ДАКлар таркибига институтимиз раҳбарияти, кафедра мудирлари, етакчи профессор-ўқитувчилар ва битирувчи мутахассис кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган корхона ва ташкилотлардан етакчи мутахассислар киритилди. Давлат аттестация комиссиялари ўз ишларини ўқув жараёни жадвали бўйича олиб боришди. Барча комиссияларда ҳимоялар белгиланган муддатларда ўтказилди ва ҳисоботлар расмийлаштирилди. Битирувчи талабаларнинг 32% диплом лойиҳасининг графика қисми “AutoCad” ва “CorelDraw” дастурларида бажарилди.

Юқорида айтиб ўтилган ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда ўз ечимини кутаётган муаммолар кўришимиз мумкин. Жумладан “Муҳандислик коммуникациялари қурилиши” факультети “МКК” ва “КТ “МКК” таълим йўналишларининг ҳамда “Қурилиш” факультети, “БвайК” таълим йўналишларининг диплом лойиҳаси ҳимояси ўқув жараёни графигидан чиқиб кетди ва талабалар вақтида диплом лойиҳаси ҳимоясига киришмади.

ДАК раислари ҳисоботларининг диплом лойиҳаси ва малакавий ишларга берилган тақризларда кўрсатилган ютуқ ва камчиликлар ўрганиб чиқилиши лозим. Шу асосда ишлаб чиқариш учун тайёрланадиган кадрлар сифатини янада ошириш мақсадида чора-тадбирлар белгиланиши керак.

Юқоридаги қайд этилган мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Илмий кенгаш кун тартибидаги “Якуний Давлат Аттестациялари ва диплом лойиҳалари ҳимоялари натижаси юзасидан ДАКларнинг ҳисоботлари ҳақида”ги масала юзасидан ўқув бўлими бошлиғи Ш.А.Бўрибоевнинг ҳисоботи тасдиқлансин ва ижобий баҳолансин.
2. 2013-2014 ўқув йили аввалидаги факультетлар ва кафедралар йиғилишларида Якуний давлат аттестациялари ва Диплом лойиҳаси ҳимояларининг якунлари таҳлил қилинсин ва зарурий чора тадбирлар ишлаб чиқилсин. **Масъуллар:** факультет деканлари ва кафедра мудирлари.
3. Янги 2013-2014 ўқув йилида ҳар бир факультетдан камида биттадан талаба битирув малакавий ишларини хорижий тилларнинг бирида, асосан, инглиз тилида ҳимоя қилиниши чоралари кўрилсин. **Масъуллар:** ўқув бўлими бошлиғи Ш.А.Бўрибоев, мутахассис чиқарувчи кафедра мудирлари ва “Тилларни ўрганиш” кафедраси мудир Д.Э.Мансурова.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор А.Т.Қўлдашев зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

“Институтдаги мавжуд ўқув ва илмий лабораторияларнинг фаолияти ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2013 йил 8 август 11/2-сонли ҚАРОРИ

Илмий кенгаш кун тартибидаги “Институтдаги мавжуд ўқув ва илмий лабораторияларнинг фаолияти ҳақида”ги масала юзасидан илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи **У.А.Хушвақтов**нинг ахборотини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Институт цқув жараёни, Самарқанд вилояти ва унга ёндош вилоятлар қурилиши индустрияси эҳтиёжидан келиб чиқиб Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтида фундаментал, амалий ва лойиҳавий илмий–тадқиқот ишларини юритиш, бино ва иншоотлар қурилмалари ҳамда қисмларини синовдан ўтказиш мақсадида, қолаверса ўқув жараёни билан узвий боғлиқ бўлган қуйидаги илмий лабораториялар ташкил этилган ва фаолият кўрсатмоқда:

- Фазовий конструкциялар, бинолар ва иншоотлар зилзилабардошлиги илмий ишлаб чиқариш лабораторияси;
- Табиий ва саноат оқова сувларни тозалаш муаммолари илмий-тадқиқот лабораторияси;
- «Махаллий хом-ашё ва саноат чиқиндилари асосида самарадор қурилиш материалларини ишлаб чиқиш» илмий тадқиқот ва синов лабораторияси.
- Бино ва иншоотларни қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш ва тадқиқ қилишни компьютерлаштириш илмий-тадқиқот лабораторияси;
- “Геотехника” муаммовий илмий-тадқиқот лабораторияси;

Булардан ташқари институтнинг мутахассис чиқарувчи кафедралар негизида ўқув лабораториялари ҳам мавжуд. Булар жумласига “Сув таъминоти ва канализация”, “Бино-иншоотларни лойиҳалаш ва сервис”, “Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси”, “Қурилиш конструкциялари”, “Физика ва олий математика” “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш”, “Қурилиш ишлаб чиқариш технологиялари ва машиналари” каби кафедралари негизида цқув жараёни учун муҳим бўлган ўқув лабораториялари фаолият олиб борилаётганлиги ҳақида маълумот берилди.

Улардаги шарт-шароитлар ва ускуналар талаб даражасида. Айниқса, “Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси” кафедраси негизидаги цқув лабораторияси замон талаблари даражасида, энг сўнгги технологиялар ва асбоб ускуналар билан жиҳозланганлиги алоҳида таъкидланди

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Илмий кенгаш кун тартибидаги “Институтдаги мавжуд ўқув ва илмий лабораторияларнинг фаолияти ҳақида”ги масала юзасидан илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи **У.А.Хушвақтов**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институтдаги мавжуд ўқув ва илмий лабораторияларни талаб даражасида жиҳозлаш ва таъмирлаш учун таклиф лойиҳалари тайёрлансин ва Вазирликка ўрнатилган тартибда талабнома юборилсин. **Масъуллар:** мутахассис чиқарувчи кафедра мудирлари, ўқув ва илмий лаборатория раҳбарлари. **Муддати:** 2013 йилнинг 1 октябригача.
3. Институт талабаларини мавжуд ўқув ва илмий лабораторияларга жалб қилиш ишларини кучайтириш чоралари кўрилсин. **Масъуллар:** ўқув бўлими бошлиғи **Ш.А.Бўрибоев**, мутахассис чиқарувчи кафедра мудирлари.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов